

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Йўлдашев	
Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба	91

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ф.Орипжонова	
А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув	95
З.Қобилова, Э. Қобилова	
Татабуда шакл ва мазмун	98
З.Ж.Пардаева	
Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романи метафорикасида бадиий тафаккур фалсафаси талқини	101
В.Аҳмедова	
Тарихий драмада Амир Темур образи	105
А.К.Абдурахмонов	
Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир	109
Г.Муҳаммаджонова	
Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи	112
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм)	117

ТИЛШУНОСЛИК

Н.Муродова	
Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари	122
Н.Чиниқулов	
Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари	127
М.Мамажонов	
Антропонимлар дискурс релеванти сифатида	130
Н.Т.Махмудова	
Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати	133

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Р.Х.Максудов	
Элнинг ардоқли шоири	137
А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев	
Асқар Қосимов шеърининг маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида	139
А.Турдиев	
Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм	141
Б.Қурбонова, З.Каримова	
Ўзбек ва қирғиз фразеологизмларининг семантик таҳлили	145
С.Усмонова	
Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари	148
Ж.М.Отажанов	
Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари	152
О.Хасанова	
Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари	156
Д.Қамбарова	
Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари	160

ҚОНУН ВА ИЖРО

А.Ўринов	
“Фанлар подшоҳи” – Республика Президенти нигоҳида	163

УДК: 370/378.9

МАВЗУНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ, ТАЛАБАЛАРГА БИЛИМ БЕРИШ ВА НАЗОРАТ УСУЛЛАРИ

СПОСОБЫ ПРЕЗЕНТАЦИИ ТЕМЫ, ОБУЧЕНИЯ И КОНТРОЛЯ СТУДЕНТОВ

WAYS OF PRESENTING THE TOPIC, GIVING KNOWLEDGE TO STUDENTS AND EVALUATION

Д.Қамбарова

Аннотация

Мақола янги мавзуни тақдим этиш масаласига бағишланган бўлиб, унинг асосий элементлари – баҳолаш мезонлари, ўқитувчининг маҳорати, дарсга тайёргарлиги, талабалар диққат-эътиборини мавзу тақдимотида жалб эта билиши ва унга қизиқиш уйғотиб, дарс давомида назорат олиб бора билиши каби масалалар ёритилган.

Аннотация

Статья посвящена вопросу презентации новой темы, при этом приведены основные ее элементы: критерии оценки, мастерство преподавателя, уровень подготовки к занятию, умение привлечь внимание и взъять интерес у студентов к презентации, а также контролировать в процессе занятия.

Annotation

The article about presentation of new theme with main parts: evaluating degrees, lecturer's ability, preparation for the lesson, and Involving presentation to the lesson, taking them under control.

Таянч сўз ва иборалар: тақдимот, муаммо, саволлар, маъруза, тақдимот жараёни, маърузани баҳолаш, маърузани баҳолаш мезонлари, тақдимотни баҳолаш, диалог усуллари, мавзу режаси, хулоса.

Ключевые слова и выражения: презентация, проблема, вопросы, лекция, процесс презентации, оценка лекции, критерии оценки лекции, оценка презентации, способы диалога, план темы, заключение.

Ключевые слова и выражения: presentation, problem, questions, lecture, while- presentation, lecture assessment, lecture assessment criteria, presentation assessment, styles of dialogues, plan of the theme, conclusion.

Ўқувчи талабаларга берилган бирор-бир мавзуни, маълумотни, янгиликни тақдимот (чиқиш, презентация, маъруза) қилиш ҳам уларнинг билим олишида катта аҳамиятга эгадир. Чунки бунда талаба гуруҳдаги бошқа талабалар ва устозлар олдида яқка ўзи сўзга чиқишини ҳисобга олиб, мавзуга ҳар томонлама ва чуқур тайёрланади, мавзуга боғлиқ хилма-хил нозик масалалар ҳақида мулоҳаза қилади ва атрофлича фикрлайди.

Тақдимот жараёнида ўқитувчи ҳам талабалар билан бир қаторда ўтириб, улар сингари фикрлашга ва мунозараларда фаол иштирок қилишга интилиши лозим бўлади. Лекин у ўзининг обрў-эътибори ва ҳурмати ҳамда талабаларнинг унга боғлиқлигидан фойдаланган ҳолда тақдимот маросимида етакчи роль ўйнашга интилса ҳам талабаларга бу ҳақда доимо урғу беришга ҳаракат қилса, тақдимот маросими сунъийлашиб, кутилган мақсадларга эришишда ижобий натижа бера олмайди. Тақдимот қуйидаги асосий қисмлардан иборат бўлиши керак:

1. Бошлаш. Бунда танланган мавзу мақсади ҳақида, унинг нима учун ўрганилаётгани, қандай бўлимлардан ташкил қилинганлиги, унинг бошқа мавзулар билан

боғлиқлиги, амалий ва назарий аҳамияти ҳақида қисқача фикрлар берилади.

2. Мавзу режаси. Бунда, мавзу ёритишда қандай амалий саволлар кўриб чиқирилиши, уларнинг маъноси, тартиби ва кетма-кетлиги кўриб чиқилади.

3. Маъруза (мавзу маъносини ёритиш). Бунда талаба мавзу режаси асосида ҳар бир саволни ва муаммони ёритишни амалга оширади. Талабаларнинг бу маъруза давомида вужудга келган саволларига жавоб бериш (ёки бунга имконият даражасида ҳаракат қилиш), диққатга сазовор мунозарали масалалар бўлса, уларни кўриб чиқиш маърузанинг қизиқарли, жонли ва фойдали бўлишига олиб келади.

4. Хулоса. Ушбу қисмда маъруза давомида ёритилган саволлар, муаммолар ҳақида қисқача маълумотнома берилади, мавзу юзасидан вужудга келган барча саволларга имконият даражасида тўлиқ жавоб берилади ва бу билан узвий боғлиқ маърузани якунлайдиган бошқа масалалар ҳам хулоса сифатида кўриб чиқилади.

5. Маърузани баҳолашни амалга ошириш. Бу босқичда қуйида кўрсатилган ёки бошқа турдаги мезонлар ёрдамида маърузани

Д.Қамбарова – ФарДУ, педагогика фанлари номзоди доцент.

баҳолаш натижалари эълон қилинади. Бунда, масалан, қуйидаги баҳолаш даражаларидан фойдаланиш мумкин:

Бошлаш — 5 балл

Мавзу режаси — 10 балл

Маъруза (мавзу маъносини ёритиш) — 20 балл

Хулоса — 10 балл

Умумий баллар миқдори: 45 балл

Қўшимча баллар: 20 балл

Жами баллар миқдори: 65 балл

Ушбу балларни маърузани баҳолаш мезонлари сифатида ишлатишда қуйидаги асосий кўрсаткичларга аҳамият бериш керак бўлади:

а) тақдимотнинг тегишли қисми маъноси — тақдим қилинаётган бўлимга тегишли маълумотнинг бўлим аҳамиятига мос келиши;

б) тақдимот қила олиш қобилияти — тегишли бўлим тақдимотини ташкил этишдаги педагогнинг профессионал маҳорати;

в) тақдимотнинг аниқ ва равшан амалга оширилганлиги — бунда тақдимот тегишли бўлимига мос бўлган фикрларнинг аниқ ва мантикий кетма-кетликда берилиши ҳисобга олиниши лозим бўлади.

Тақдимотни баҳолаш олдиндан тузилиб қўйилган савол, мезонлар ҳайъат томонидан амалга оширилади ва бу ҳайъат аъзолари тақдимот пайтида албатта ҳозир бўлишлари лозим. Улар, иложи бўлса олдинги қаторда, алоҳида жойда ўтиришлари ва уларнинг тақдимотни баҳолашлари ҳолисона бўлгани мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрсатилган йигирма балл миқдоридаги қўшимча баллар тақдимот жараёнининг умуман қандай ўтказилганни билан аниқланади ва бунда қуйидагиларга аҳамият берилади:

- тақдимотга қандай тайёрланганлиги.
 - тақдимот пайтида ўзини қандай тутганлиги.
 - саволларга қандай жавоб берганлиги.
 - ташкилотчилик маданияти.
 - сўзлаш маданияти.
 - ўз фикрларини тушунтира олиш қобилияти.
 - гуруҳ билан мулоқот қила олиш қобилияти.
 - қўл ва гавда ҳаракатларининг тақдимот қилинаётган мавзуга мос бўлиши.
 - кийиниш маданияти.
 - янги фикрлар муносабати ва зукколиги.
- Ушбу ҳар бир кўрсаткичга икки баллдан қўйилади ва уларнинг барчаси жамланади (яъни $2 \times 10 = 20$ балл).

Тақдимот сўнгида ҳайъат аъзолари тақдимотнинг қандай ўтганлиги ҳақида хулоса сифатида маълумот берадилар, юқорида санаб ўтилган ҳар бир кўрсаткич бўйича тақдимот маросимини баҳолашни амалга оширадилар ва маърузачининг умумий баҳосини унга ва тақдимот маросимида ҳозир бўлган ҳамма иштирокчиларга билдирадилар. Бунда, албатта, маърузачининг бўлажак тақдимот маросимларида нималарга аҳамият бериши кераклиги аниқ ва равшан кўрсатилиши ҳамда тушунтирилиши лозим бўлади. Маросим охирида маърузачининг ўзига сўз берилади ва унинг тақдимот маросимини ҳамда уни баҳолаш ҳақидаги ҳолисона фикри эшитилади. Унинг бу чиқиш билан боғлиқ савол, фикр ёки мулоҳазалари бўлса, улар кўриб чиқилади ва муҳокама қилинади. Бу объектив баҳолаш ва фойдали маслаҳатлар маърузачи-талаба малакасининг ва сўзлаш маданиятининг келажакда ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Ўқитувчилар кўпинча ўқувчи ва талабаларни қандай қилиб тартибга чақириш устида бош қотирадилар. Баъзи вақтларда бундай усулларни ўзлари ўйлаб топадилар, баъзида эса бошқаларнинг тажрибасидан фойдаландилар. Бошқа бир ҳолларда эса бошқа бирор-бир чора кўриш жоиз бўлиб, бунда қаттиқ руҳий азобланадилар. Шунинг учун ҳам ушбу муаммонинг жуда ҳаётийлигини ҳисобга олиб, биз қуйида уни ҳал қилишнинг бир қанча усулларини бермоқдамиз. Бу ишни амалга ошириш ҳам мумкин. Ушбу кетма-кетлик қуйидаги асосий босқичлардан иборат:

1. Ҳақиқатан ҳам дарсда ўқувчилар тинч ўтирмаяптиларми, яъни бу муаммо мавжудми ёки ўқитувчига унинг ҳаяжонланганлиги ёки малакаси етишмаганлиги учунгина шундай туюляптими. Балки ушбу синф(гуруҳ)даги ўқувчилар олдиндан дарсни қизгин мунозара ва муҳокама воситасида ўтказишга ўргангандирлар. Балки ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дунёқараши ёки билим даражаси бир-бирига мос келмаяпти.

2. Агар ҳақиқатан ҳам ўқувчи (талабалар) дарсда тинч ўтира олмайётган ва тартибсизликлар қилаётган бўлсалар, у ҳолда бунинг асосий сабабини топишга ҳаракат қилиш, яъни “моҳиятга, муаммонинг илдизига, келиб чиқишига диққат-эътиборни қаратиш лозим”. Чунки бунинг асосий сабабини билсангизгина муаммони тўғри ҳал қилишингиз мумкин, албатта. Бусиз қорин оғриғига бош оғриғи дорисини ичаётган бемор ҳолига тушиб қолишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Балки дарс сифатининг меъёردа эмаслиги

ўқувчи/талабалар уни яхши тингламаётганлиги туфайли пастдир, балки у ўтилатган мавзунини улар олдиндан яхши билиб олгандирлар. Балки дарс ўтиш усули уларни қизиқтирмаётгандир. Балки ўқитувчининг гапириши, интонацияси, ўзини тутиши, кийиниши уларга ёқмаётгандир, балки улар дарсни унинг жуда ҳам мураккаблиги учун тушунмаётгандирлар, балки ўқитувчи бирор-бир чалкашликка йўл қўйгандир.

3. Муаммоларни ҳал қилиш учун ҳаракат қилиш. Агарда ўқувчи(талаба)ларнинг тартибсизлиги кимнидир хавф-хатарга олиб келса ва бошқа кимсаларга бирон-бир зарар етказиши мумкин бўлса, бу тартибсизликни зудлик билан тўхтатиш керак бўлади. Талабаларга жамоада ўзини тутиш ва муомала қоидаларини ҳаммабоп қилиб эслатиб қўйиш ҳам фойдали бўлиши мумкин. Агар бу ёрдам бермаса, бирон-бир ёмон хулқ-атворли ўқувчи(талаба)ларга тегишли жазо бериш ҳам мумкин. Жазо берилмаса, ўқувчи(талаба)лар ўзларини жуда ҳам эркин тутиб, тартибсизликни давом эттиришлари аниқ бўлади. Талабалар ўзларининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари учун муносиб жазо муқаррарлигини билсалар, тартибсизлик

қилишдан ўзларини тиядиган бўладилар ва ўқитувчига муносабат ҳам тубдан ўзгаради.

4. Муаммонинг келажақда қайтарилмаслиги ва талабаларнинг ундан тўғри хулоса чиқариб олишлари учун ҳамда ўқитувчи бунга сабаб бўлган шарт-шароитларни кейинчалик билиб-билмасдан яратмаслиги учун тадбирларнинг махсус кетма-кетлигини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга изчил татбиқ қилиш, тартибсизликларнинг олдини олиш учун жуда яхши хизмат қилади. Бу тадбирлар сифатига, масалан, дарснинг сифатини тубдан яхшилаш, таълимнинг бошқача ноанъанавий усулларини қўллаш, педагогик фаол усулларни, мулоқот ва диалог усулларини ишлатиш ва талабчанликни ошириш. Ўқувчи(талаба)ларнинг ҳеч бир номаъқул чиқишлари ва тартибсизликларини назардан қочирмаслик қўл келиши мумкин. Баъзи пайтларда ҳар бир аудитория учун ўзига хос таълим-тарбия усулларида фойдаланиш яхши натижаларга олиб келишини таъкидламоқчимиз. Яъни, талабаларга билим бериш, назорат қилиш, юқоридаги усуллардан ўринли фойдаланиш педагогнинг маҳоратига боғлиқ, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Ю., Бушуй А. Иностранные языки в современном мире: Эволюция методики обучения. – Т.: Фан, 2000.
2. Каримов И.А. Великое государство не построить без расцвета науки // По пути созидания. – Т.4. – Т.: Узбекистан, 1996.
3. Каримов И.А. Назначение науки – служить расцвету Родины // Наша цель: свободная и процветающая Родина. – Т.2. – Т.: Узбекистан, 1996.
4. Национальная программа подготовки кадров // Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Т.: Шарк, 1998.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор).